

АБУЛ ЮСР ПАЗДАВИЙНИНГ “УСУЛ АД-ДИН” АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБИ ВА ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

*Шовкатов Шокир Шовкат ўгли, Диний-маърифий соҳада
малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти
катта ўқитувчиси*

THE REASON FOR WRITING AND STRUCTURAL STRUCTURE OF ABUL YUSR PAZDAVI'S WORK “USUL AD-DIN”

*Shovkatov Shokir Shovkat ugli, Senior Teacher of the Institute for
Advanced Training and Retraining in the Religious and
Enlightenment Sphere*

ПРИЧИНА НАПИСАНИЯ И СТРУКТУРНАЯ СТРУКТУРА ПРОИЗВЕДЕНИЯ АБУЛ ЮСР ПАЗДАВИ “УСУЛ АД-ДИН”

*Шовкатов Шокир Шовкат оглы, старший преподаватель
Института повышения квалификации и переподготовки
кадров в религиозно-просветительской сфере*



<https://orcid.org/0009-0002-8476-7040>

e-mail:
shokirshovkatogli1976@gmail.com



Аннотация: Ушбу мақолада Абу Юср Паздавий қаламига мансуб “Усул ад-дин” асарининг ёзилиш сабаби, илмий-маърифий аҳамияти ҳамда унинг таркибий тузилиши таҳлил қилинади. Асарда ақида илмининг асосий масалалари, эътиқодий қарашларнинг далиллари ва улар билан боглиқ илмий анъаналар батафсил ёритилган. Тадқиқот давомида муаллифнинг мақсад ва методларига эътибор қаратилиб, асарнинг ўрта аср ислом тафаккури ривожигаги ўрни очиқ берилади. Шунингдек, “Усул ад-дин” асарининг боблари, мавзу таркиби ва мантиқий тузилмаси таҳлил қилиниб, унинг фикҳ, калом ва ақида илмлари ривожига қўшган ҳиссаси илмий мезонлар асосида баҳоланади.

Калит сўзлар: Абу Юср Паздавий, Усул ад-дин, ақида, калом, ислом илмлари, асарнинг таркиби, ёзилиш сабаби, ўрта аср ислом тафаккури.

Annotation: This article analyzes the reason for writing, the scholarly and educational significance, and the structural composition of Usul al-Din, a work attributed to Abu Yusr Pazdawī. The study provides a detailed explanation of the main issues of the science of creed (‘aqīdah), the evidences of doctrinal viewpoints, and the scholarly traditions associated with them. Throughout the research, attention is given to the author’s aims and methods, revealing the work’s place in the development of medieval Islamic thought. Additionally, the chapters, thematic structure, and logical composition of Usul al-Din are examined, and its contribution to the development of fiqh, kalam, and creed sciences is evaluated on the basis of academic criteria.

Keywords: *Abu Yusr Pazdawī, Usul al-Din, ‘aqīdah, kalam, Islamic sciences, structure of the work, reason for writing, medieval Islamic thought.*

Аннотация: *В данной статье анализируются причина написания, научно-просветительская значимость и структурное построение труда “Усул ад-дин”, принадлежащего перу Абу Юсра Паздавий. В произведении подробно раскрываются основные вопросы науки акыды, доказательства вероучительных положений и связанные с ними научные традиции. В ходе исследования уделяется внимание целям и методам автора, что позволяет выявить место данного труда в развитии средневековой исламской мысли. Кроме того, рассматриваются главы, тематическая структура и логическая композиция “Усул ад-дин”, а также оценивается его вклад в развитии фикха, калама и наук акыды на основе научных критериев.*

Ключевые слова: *Абу Юср Паздавий, “Усул ад-дин”, акыда, калам, исламские науки, структура произведения, причина написания, средневековая исламская мысль.*

Кириш. Паздавийнинг асарлари орасида унинг “Усул ад-дин” асари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асар мазмун-моҳияти жиҳатидан аҳли сунна вал-жамоа йўналиши ва мотуридия мактаби фикрларининг бутун моҳиятини очиб бериш ва Мовароуннаҳрда тарқалган “Аҳлуз-зайғ вал-бидаъ” (Адашганлар ва бидъатчилар)нинг таъсирини камайтириш учун ёзилган. Масалан Паздавий “Усул ад-дин” асарининг бошида мужассимийларни – хусусан Муҳаммад ибн Ҳайсамга ўхшаш кишиларни ҳеч нарсада ўрнатқилари мумкин бўлмаган ашаддий бидъатчилар деб атайдиган. Имом Киндий каби файласуфларнинг фалсафасини ва мўътазиллийлар ёзган китобларни ҳатто уйда сақлаш ҳам зарарли деб билар эди. Зеро, уларни мутолаа қилиб кўриб, шундай ҳулоса ҳосил қилганди.

“Китоб ат-тавҳид”га мактовлар бағишлаган Абул Юср Паздавийнинг изоҳларини ўқийдиган бўлсак, мана бундай жаранглайди: “...Шунга қарамай, “Китоб ат-тавҳид” тилида бироз ғализлик бор ҳамда унинг тузилиши мураккаб, шундай бўлмаганда эди унинг ўзи билан қаноатланиш мумкин бўлар эди”. Абул Юср Паздавийнинг “Усул ад-дин” асарида Мотуридий сўзларига онда-сонда мурожаат этилганини кўриш мумкин, боз устига булар ҳам аниқ иқтибослар эмас. Масалан, ўз асарининг бошида “Китоб ат-тавҳид”га урғу бериб, унинг услуб ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар беради. Зеро Абул Юср Паздавий “Усул ад-дин” китобининг ёзилишига ундаган сабаблар

қаторида, Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асарида бир оз ноаниқлик, ортиқчалик ва тартибда мураккаблик борлиги, бу борада самарқандлик уламолар ёзган китоблар кифоя қилмаслиги ва мана шу даврда турли адашган фирқаларнинг пайдо бўлганлиги учун уларга раддия бериш кераклигини таъкидлаган. Юқорида айтилганидек самарқандлик бир қанча олимлар ҳам шу мақсадда асарлар ёзган. Лекин Паздавийнинг ушбу асарлардан унчалик кўнгли тўлмаган. Натижада аллома ўзининг илоҳиёт илми борасидаги ноёб асарини таълиф қилади.

Адабиётлар таҳлили. Паздавий мазкур асарини ёзишда бир қанча манбаларга, жумладан, калом илмига оид илк асар бўлмиш “ал-Фикҳ ал-акбар” ва ўз ҳажми, фикр бойлиги ва услубига кўра, Мовароуннаҳрда ўзидан аввал илоҳиёт соҳасида яратилган жами асарлардан устун бўлган “Китоб ат-тавҳид” ва Имом Насафийнинг таъбири билан айтганда ўз соҳасида мисли йўқ, тафсируносликда аввалги муаллифлар қалами билан тасниф этилган биронта бошқа асар бунинг даражасига етолмаган “Китоб ат-таъвилот” ҳамда Абу Ҳанифанинг издоши Абу Муқотил Самарқандийнинг “Китоб ал-олим вал-мутааллим” асарларига асосланади. Булардан ташқари, Муслим ибн Ҳажжож Қушайрийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари, “Сунан Абу Довуд”, “Ғайлон” асари, Жаъфар ибн Ҳарбнинг китоби, “Мухтасар Кархий”, Ҳокимул-жалилнинг “Мунтақо” китоби, Имом Муҳаммаднинг “Сияр ал-кабир” асари,

Муҳаммад ибн Али Термизийнинг “Маъоний ал-ахбор”, Макхул Насафийнинг “Луълуот”, Абул-Ҳасан Ашъарийнинг “Мақолот ал-исломийин” ва “Мужиз ал-кабир” каби асарларидан ҳам фойдаланган.

Қуйида “Усул ад-дин”нинг ёзилишига маълум бир даражада сабабчи бўлган “Китоб ат-тавҳид”нинг тузилиши кўриб чиқилади. Шундай қилиб “Китоб ат-тавҳид” ўз ҳажми, фикр бойлиги ва услубига кўра, Мовароуннаҳрда ўзидан аввал илоҳиёт соҳасида яратилган жами асарлардан устун туради. Бу асар иймоннинг асосий ақидаларини жамлаб, уларга қулай таърифлар бериш билан чекланмайди. Унинг мақсади – бутун ислом илоҳиётини тафтиш этиш ва уни инкор этиб бўлмас далиллардан ташкил топган яхлит тизим сифатида тан олиш лозимлигин кўрсатиб бериш.

Шу мақсадда тадқиқот доирасига киритилган ҳамма мавзулар ҳам унинг учун бирдек қиммат касб этмайди, зеро уларнинг баёни ва таҳлили ўзининг қисқа ёки узунлиги билан бир-биридан анча фарқ қилади. Асарнинг мақсадлари баён қилинган муқаддима нисбатан қисқа кўринади. Бевосита муқаддимадан кейин келган ва каломнинг дастлабки катта муаммоси – дунёнинг фонийлиги ва онтологик тузилишига бағишланган бир неча варақдаги мулоҳазалар янада ихчамроқ кўринади. Шундан сўнг баён усули анча батафсиллик касб этади. Бу, масалан, Аллоҳ тавсифи ва ягоналигининг ҳимояси масаласи марказий ўринни эгаллаган кейинги парчада, айниқса, яққол кўринади. Бундан кейинги фаслларда, жумладан, пайғамбарлар, Аллоҳнинг инсон амалларига таъсири, гуноҳ ва жазо, шунингдек, иймонни тўғри тушуниш ҳақида сўз борганда ҳам далиллар ғоят синчковлик билан ва аниқ ифода этилади.

Тадқиқот муҳокамаси.

Муаммоларнинг бундай изчил келиши айнан матнга хос хусусият бўлмай, у ёки бу даражада ислом рисоаларининг одатий тузилишига мувофиқдир. Мотуридий айрим парчалар

ичида риоя қилган тартиб ҳам калом илмида қабул қилинган муайян низом нуқтаи назарга асосланади. Баъзи ўринларда Мотуридийнинг мулоҳазалари қайтариқлар эвазига чўзилиб кетган ва баъзи жойда депсиниб қолган. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси ва энг кўп учрайдигани, у кўриб чиқилган муаммога яна қайтиб, бошқа рақибларининг исмларини номма-ном кўрсатиб, мунозарага киришади. Яъни, Мотуридий тўғри деб ҳисоблаган якуний ҳукм ўқувчига аллақачон маълум, аммо у билдирилиши мумкин бўлган эътирозлардан ҳимоя қилинади ҳамда қарама-қарши ҳукм қабул қилинган тақдирда юзага келадиган хато ва зиддиятларни кўрсатиш йўли билан янада тасдиқланади. Шу каби мулоҳазалар мисолида ислом илоҳиётининг диалектик тузилиши янада аниқ намоён бўлади ва унинг, ўз навбатида, муаллифнинг услубигина эмас, балки каломга хос умумий хусусият эканлиги келиб чиқади.

Иккинчи унсур, аксинча, фақат “Китоб ат-тавҳид”га хос. Бу ўринда бутун матн давомида тез-тез учраб турадиган баён ва далилларнинг маълум ўринларда қайтарилиши кўзда тутилмоқда. Мотуридий томонидан йўл қўйилган хато эмас, балки китобнинг ўзига хос услубда ёритилганини билдиради. Аммо, бунинг аниқлаш учун бундай қайтариқларни шунчаки кўриб чиқишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун кўпроқ “Китоб ат-тавҳид” асарининг умумий кўринишини тиклаш лозим бўлади, шунда унинг ички тузилиши Мотуридий томонидан қандай тасаввур этилгани ва ишлаб чиқилгани келиб чиқади. “Китоб ат-тавҳид” асосида яхлит битта режанинг ётиши шундан ҳам кўринадики, у Мотуридий шогирдларининг бири томонидан кейинчалик бирлаштирилган турли рисоалар тўплами эмас, балки яхлит бир асардир. Бу фикр ўз-ўзидан маълум-ку, чунки у бизга яхлит бир асар қўлёзмаси сифатида етиб келган, деган эътироз пайдо бўлиши мумкин. Чунки юқорида айтилган ғализликлар сабабли бу асар кейинги авлодга мансуб муаллиф томонидан ёзилган, деган фараз мавжуд эди.

Шундай қилиб, “Китоб ат-тавҳид”ни ҳар бири, Мовароуннаҳрнинг диний анъаналари билан турлича боғлиқликда бўлган икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчисида, Мотуридий янги йўллардан борган ва ўзининг ҳанафий ҳамюртлари орасида ягона бўлган, зеро, у ҳали деярли муҳокама доирасига кирмаган масалаларни кўриб чиққан эди. Иккинчи қисм эса, аллақачон ўзлаштириб бўлинган илоҳиёт заминига асосланган эди. Бу ерда эса энди Самарқанд мактаби доирасида тан олиншини хоҳлаган ҳар бир ҳанафий мўлжал олиши мумкин ва ҳатто лозим бўлган кўрсатмалар мавжуд эди.

Паздавийнинг мазкур китобини имом Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асари билан қиёслаб кўрилганда шу нарса аниқ бўлдики, аллома ўз асарини “Китоб ат-тавҳид”дан фарқли ўлароқ боб ва фаслларга ажратмаган. Шунинг учун асарни ўрганиш жараёнида унда келган масалаларни шартли равишда бобларга ажратилди. Натижада асар бир муқаддима ва саккиз боб кўринишига эга бўлди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, асарни бобларга тақсимлаш асарнинг аслий таркиб тузилишини ўзгартирмади. Унга кўра биринчи бобда илоҳиёт масалалари баён қилинган бўлиб, бунга ўн учта масала киритилди. Иккинчи бобда нубувват масалалари ҳақида сўз бориб, унда учта масала ёритилади. Учинчи боб қазо ва қадар масалаларига бағишланган бўлиб, бунга тўққизта масала киритилди. Энг қисқа бўлган тўртинчи бобда катта гуноҳ ва осийлик масалаларига ўрин берилган бўлиб, бунда иккита масала бор. Бешинчи бобда иймон ва ислом масалалари ёритилган бўлиб, бунга ўн олтита масала киритилди. Олтинчи бобда халифалик масалалари баён қилинган бўлиб, бунда ҳам ўн олтита масала бор. Еттинчи боб тарқоқ масалаларни ўз ичига олган бўлиб, бунда йигирма бешта масала баён қилинган. Саккизинчи бобда мазҳаблар баёнига ўрин берилиб, бунда ўнта масала ёритилди.

Алломанинг мазкур китобининг таркибий тузилишига тўхталадиган бўлсак, у тўқсон олтита масала ва мотуридийларга

муҳолиф мазҳабларни баён қилиш кўринишида тасниф этилган. Паздавий масалаларни дастлаб, аҳли сунна вал жамоанинг қарашларини баён қилиш билан бошлайди. Сўнгра муҳолиф мазҳабларнинг қарашларини келтиради. Кейинги босқичда аҳли сунна вал-жамоа тарафидан ўртага ташланган оят ва ҳадислар далил сифатида баён қилинади. Ҳатто ақлий далиллар мисоллар тариқасида содда ва равон услубда баён қилинади. Табиийки бу ўринда муҳолиф томоннинг ҳам далиллари ўртага ташланади. Шундан сўнг Паздавий ўртага ташланган масала бўйича ўз қарашлари ва ҳулосаларини баён қилади. Асардаги қарийб барча масалалар шу услубда баён қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Паздавийнинг мазкур асари илоҳиётшунослик соҳасида ўта муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Чунки, асар калом илмига оид масалаларни ўта ихчам ва содда услубда баён қилиши билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Китобда аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодий қарашлари хужжат-далиллари билан баён қилинган. Шунингдек, баъзи адашган фирқаларнинг даъволари ва уларга берилган раддиялар ҳақида ҳам қисқача сўз боради.

Адабиётлар рўйхати:

7. Куръони Карим.
8. Абул Юср Паздавий. Усул ад-дин. – Қоҳира: Дор ихё-л-кутуб-л-арабия, 1963. – 648 б.
9. Ибн Манзур. Лисон ал-араб. – Байрут. Дор Содир нашриёти, 1996. 15 жилд. – 622 б.
10. О.Носиров, М.Юсупов. Ан-наим (арабча-ўзбекча луғат). – Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ нашриёти, 2003. – 714 б.
11. У.Алимов. IX-XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. –Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2008. – 351 б.
12. Ульрих Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. –Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-ўзбекча нашр ҳукуки, 2001. – 251 б.
13. Мансур А. Ақоид матнлари. – Тошкент: ТИУ, 2006. – 153 б.